Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 27 май, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 38 (7035)

Ibrat

Оила йилида Андижон вилоятида 27 минг 800 нафар ўғил-қиз соғломлаштириш лагерларига йўл оладилар. Шундан 8 минг 900 нафар ўқувчи мактабларда ташкил этилган кундузги дам олиш жойларига қатнайдилар. Қисқаси, андижонлик ўқувчиларни 32 та (шулардан 22 таси қишлоқ хўжалиги жамоалари, корхоналар ва ташкилотлар тасарруфида) оромгоҳ ўз оғушига олишга шай турибди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, республикада ташқи иқтисодий алоқалар, халқаро муносабатлар ва дипломатия соҳасида малакали мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 27 апрелдаги Ф-840-сон Фармойишига мувофиқ Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини ўрганиб чиққан Комиссиянинг хулоса ва таклифлари эътиборга олинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 1998/99 ўқув йилидан бошлаб Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига:

талабалар қабул қилиш республикада олий ўқув юртлари учун белгиланган тартибда, тест синовларининг рейтинг натижалари асосида амалга оширилади;

таълим йўналишлари бўйича қабул режаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг кадрларга бўлган реал эҳтиёжларини, университетда ўқув жараёнининг сифатли ташкил этилиши учун шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Белгиланган умумий қабул режасининг 50 фоизи давлат грантига, 50 фоизи шартнома асосида қабул қилинаётган талабаларга ажратилади;

бошланғич курсга талабалар қабул қилиш ва ўқитиш тугатилади;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини талабаликка шартнома асосида қабул қилишда тўловларни бошқа давлатлар валютасида амалга ошириш ман этилади.

3.Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тасарруфига ўтказилсин.

Университет ректори вазифаси Ташқи ишлар вазири зиммасига юклансин.

Университетнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, 1998/99 ўқув йилидан бошлаб бакалавриатда ўқиш муддати — 5 йил, магистратурада — 2 йил этиб белгилансин.

Университетга 1998/99 ўқув йилигача қабул қилинган талабалар мавжуд бўлган шартномалар асосида 4 йиллик бакалавриат ўқув дастурлари бўйича таянч олий таълим оладилар.

4. Ташқи ишлар вазирлиги бир ой муддатда:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда университетнинг таълим йўналишларини, мутахассисликлари бўйича малака тавсифномаларини, ўқув режаси ва дастурларини қайта ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

Янги ўқув режаси ва дастурларини ишлаб чиқишда ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлган малакали, замонавий талабларга жавоб берадиган, бой миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзлаштирган, ўз Ватани ва халқига содиқ мутахассисларни тайёрлаш энг муҳим вазифа деб ҳисоблансин.

Давлат тест маркази билан биргаликда бўлажак тест синовларини юксак савияда ўтказиш учун зарур ташкилий чора-тадбирларни амалга оширсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда университетнинг Уставини қайта ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Ташқи ишлар вазирлиги университетнинг профессор-ўқитувчилари таркибини мунтазам мустаҳкамлаб бориш, педагогларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини таъминласин.

Давлат тест маркази (Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси) билан биргаликда 1998 йил 1 июлга қадар университетнинг профессор-ўқитувчиларини аттестациядан ўтказсин.

6. 1998/99 ўқув йилидан бошлаб кадрларга буюртма берувчи асосий ташкилотлар — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги тизимидаги юқори малакали мутахассисларни университетнинг ўқитиш жараёнига жалб этиш амалиёти жорий этилсин ва ривожлантирилсин.

7.Университетда таълим йўналишлари бўйича чет тилларда кенг мавзуда маърузалар ўқиш ва махсус курсларни ўқитиш учун Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган нуфузли халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар элчихоналари ва ваколатхоналарининг малакали мутахассисларини таклиф этиш назарда тутилсин ва қўллаб-қувватлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги мунтазам равишда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг моддий-техника базасини замонавий дарсликлар ва ўқув адабиётлари, компьютерлаштирилган ўқув дастурлари ва бошқа техник воситалар билан мустаҳкамлашни бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобидан таъминласинлар.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 24 октябрдаги 491-сон қарорининг 10-банди ва 7-бандининг университет раҳбариятига талабалар қабулини ташкил этиш, ўқув режаси ва дастурларини, штат жадвалини мустақил равишда тасдиқлаш ҳуқуқини беришга оид қисми ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 12 ноябрдаги 526-сон, 1994 йил 2 мартдаги 111-сон, 1995 йил 31 майдаги 195-сон, 1995 йил 20 июндаги 231-сон қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг молиявий таъминотига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

11. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 22 май

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

1998/99 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ТЎҒРИСИДА

«Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармонини бажариш юзасидан замонавий билимлар ва кўникмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, умумий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини замонавий талабларга жавоб берадиган ўқитувчи ва педагог-муҳандислар билан таъминлаш ҳамда олий таълим муассасаларига қобилиятли ёшларни сифатли танлаб олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 1998/99 ўқув йилида бакалаврлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 42 минг, шу жумладан 21 минг давлат грантлари асосидаги қабул квоталари белгиланиб, улар Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасалари ҳамда таълим йўналишлари бўйича тақсимлансин.

Белгилансинки:

олий таълим муассасаларига ўрнатилган қабул режасининг 50 фоизи давлат грантлари ҳисобидан, қолган 50 фоизи тўлов-контракт асосида ташкил этилсин;

олий таълим муассасаларига қабул барча учун /ҳам грантлар, ҳам контракт бўйича/ тенг ҳуқуқлилик, ягона қабул қоидалари асосида амалга оширилиб, тест синовларида энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниш ҳуқуқи таъминлансин;

қолган абитуриентлар тест баллари рейтинги асосида ўрнатилган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниш ҳуқуқига эгадир.

2. Қабулни ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ечиш учун Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг таркиби тасдиқлансин.

3. Давлат комиссияси Вазирлар Маҳкамасига:

Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига талабалар қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги Низомга ушбу Қарор талаблари асосида тегишли ўзгартиришлар;

юридик ва жисмоний шахслардан тушган аризалар ва тест синовлари натижаларидан келиб чиққан ҳолда, таълим муассасаларига ўрнатилган умумий қабул режаси доирасида, таълим йўналишлари ва қабул кўрсаткичлари бўйича зарур бўлган ўзгартиришлар тўғрисида таклифлар киритсин.

4. Олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирлик ва идоралар бир ҳафта муддатда ўзларига қарашли таълим муассасаларида грантларни ва тўлов-контракт асосидаги ўринлар квотасини таълим шакллари ва тиллари бўйича тақсимлаш тўғрисидаги таклифларни Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 1 июлдаги 332-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 25 май

ЎЗГАЧА «СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ»

Мутахассисларнинг фикрича, бу тадбир вилоят таълими тарихида биринчи бор бўлиб ўтган. Самарқанд вилоят ҳокимлигида «Сўнгги қўнғироқ» муносабати билан қабул маросими ўтказилди. Унда республика «Ижодкор ўқитувчи»лар анжумани совриндори, Ихтирочи ўқитувчи, «Шунқорлар» ҳарбий мусобақасида биринчи ўринни эгаллаган жамоа, республика иқтидорли ўқувчилар слёти қатнашчилари, республика фан олимпиадасининг 6 нафар совриндорлари, «Сиз қонунни биласизми?» республика конкурсининг ғолиб (1-ўрин) жамоаси, республика техник ижодиёти мусобақасида 1-ўринга сазовор ўқувчилар, республика ўқувчилар спартакиадасининг биринчи ўрин соҳиблари, «Қувноқ стартлар» республика мусобақаси учинчи ўринни эгаллаган жамоаси ва шу каби таълим тизимида ўзига хос натижаларни кўрсатган ўқитувчи ва уларнинг шогирдлари қатнашдилар. Барчага раҳмат айтилди. Ширин-ширин тилаклар билдирилди. Вилоят ҳокими номидан ҳоким ўринбосари Х. Нуруллаев ҳар бир ўқитувчига биттадан чиройли гилам, ўқувчиларга эса қимматбаҳо соат тақдим этдилар. Бу ширин сўз ва совғалар замиридаги ЭЪТИБОРдан барча мамнун бўлди. Улар ёдида бу йилги «Сўнгги қўнғироқ умрбод сақланиши табиий.

Юқорида вилоят тарихида илк бор шундай «Сўнгги қўнғироқ» тадбири бўлди, дедик. Бу балки республика миқёсида ҳам биринчиси бўлса, не ажаб.

Тадбирда вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Анвар Бекмуродов қатнашди.

Б. БОТИРОВ

***

Бугун мактабларда ўзгача шукуҳ, ўзгача кайфият. Кимнингдир қувончдан кўзлари намли, кимнингдир...

Чунки, улар шу бугун мактаб билан хайрлашишади. Уларни катта ҳаёт кутмоқда. Ана энди мактаб партасида олинган билимлар ишга солинади. Ана шундай битирув оқшоми, сўнгги қўнғироқ пойтахтимиздаги Ғалабанинг 40 йиллиги массивида жойлашган мактабда ҳам ўтказилди. Мактабдаги ушбу кеча масканнинг 10 йиллик юбилейига, куйлар ва қўшиқлар шўх рақсларга уланиб кетди. Ўқувчилар ўзлари тайёрлаб келган саҳна кўринишларини ижро этиб, кечани янада файзли ўтишига ҳиссаларини қўшишди. Мактаб директори В. Ткаченконинг айтишича, у бошқараётган жамоа илк бор 800 га яқин ўқувчини ўз бағрига сиғдирган бўлса, ҳозир 2400дан ортиқ йигит қизлар бу ерда таҳсил олишар экан.

— Бундан ташқари, дейди мактаб раҳбари, — жамоамиз кўп миллатли. Бу ерда рус ҳам, ўзбек ҳам бир оиладек ўқийди, билим олади. Шу боисдан ўзбек бўлими, рус бўлими ташкил этилган бўлиб, унда 120дан ортиқ муаллим сабоқ беради.

Бу каби тадбирлар республикамизнинг барча вилоят ва туманларида кенг нишонланмоқда. Жумладан, Фарғона вилоятининг Фурқат туманидаги 22-мактаб ҳам байрамона безатилган. Сирасини айтганда бу йил мактабни 40 нафар ўғил қиз битираяпти, уларнинг ўрнини эса биринчи синфга қабул қилинган фарзандлар тўлдиришади.

Х. АБДУРАҲМОНОВ

КЎЗГУДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ 2-бет

ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ НИМА? 4-бет

● Дунёнинг энг баланд чўққиси — «Эверест»ни забт этган ва унга Ўзбекистоннинг байроғини қадашга муяссар бўлган мамлакатимиз алпинистларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов табрик йўллаб, «дунё томида» байроғимиз бизнинг озодлигимиз ва ободлигимиз тимсоли сифатида ҳилпираб туришини ният қилди.

● Андижон вилоятидаги Хўжаобод газ омбори қурилишида бўлиб ўтган мазкур қурилиш бўйича республика штабининг йиғилишида ушбу муҳим иншоотнинг қурилишини жадаллаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

JUMLADA JAHON

● Америка Қўшма Штатлари Президенти ва Европа мамлакатлари раҳбарлари қабул қилган Эроннинг энергетика тармоғига хорижий компаниялар сармоясини сарфлашни чекламаслик тўғрисидаги ҳужжат эронликлар хурсандчилигига сабаб бўлди.

● 75 соатлик қизғин баҳслардан сўнг, ниҳоят Франция парламенти мамлакатда иш соатини қисқартириш, яъни 35 соатлик иш ҳафтасини жорий этиш ҳақидаги қонун лойиҳасини маъқуллади.

● Буюк Британия ташқи ишлар вазири Робин Кук Туркияга ташрифи чоғида Туркиянинг яқинда бўладиган Европа Иттифоқи мамлакатлари йиғинида қатнашиши мумкинлигини айтиб, ўз ташрифи Туркия билан Европа Иттифоқи ўртасида юзага келган тангликни юмшатишга хизмат қилажагини таъкидлади.

● Форс кўрфазида бўлиб ўтаётган ҳарбий ҳаво ва денгиз кучлари ўқув машқларида АҚШ Баҳрайн, БАА ва Қувайт ҳарбийлари иштирок этмоқда.

● Кўпчилик давлатлар раҳбарларининг баёнот беришича, Индонезиядаги ҳукумат алмашинуви ушбу мамлакатда барқарорликни юзага келтириши мумкин.

МИММ

ХАБАРЛАРИ

MAXSUS GUVOHNOMA OLISHDI

Urganch shahridagi Ogahiy nomli viloyat teatrida Xorazm o'zbek-turk litseyi o'quvchilarining bitiruv kechasi bolib o'tdi. 1992-1993 o'quv yilida tashkil etilgan bu litseyda hozirda 225 nafar (shulardan 13 nafari turkiyalik) pedagog ta'lim bermoqda. Kechada bu yilgi viloyat va respublika olimpiadalarida muvaffaqqyatli qatnashgan litsey o'quvchilariga viloyat hokimligi va litsey jamoasining qimmatbaho sovg'alari topshirildi. Shuningdek, litstyening 48 nafar bitiryvchi o'quvchilariga litsey mudiri Orifbey Gumlaksiz maxsus ingliz, turk tillari va komp'yuter operatori sertifikatlarini topshirdi. Endi sobiq o'quvchilar oliv dargohlarga kirib o'qish bilan bilan bir qatorda tarjimon va komp' yuter operatori bo'lib ham ishlashashlari mumkin.

Bitiruv kechasining badiiy qismida xonanda Azamat Otajonov ijro etgan o'zbek va turkcha qo'shiqlar barchaga manzur bo'ldi.

Norali OCHILOV

ULUG' BINOGA QO'YILGAN G'ISHTLAR

Adabiyotimiz ko'rki, iftixorimiz bo'lgan sevimli shoirmiz G'afur G'ulomning tug'ilganiga 95 yil to'lgan tarixiy kunlarda A. Avloniy nomli Respublika xalq ta'limi xodimlari malakasini oshirish institutida badiiy kecha bo'lib o'tdi. Kechani institut rektori A. Akmalov ochdi.

Unda qatnashgan Olmos G'ulomova, Umarali Normatov, Omonulla Madaev G'afur G'ulom haqidagi xotiralari bilan kechaga fayz kiritdilar. Shoirning «Snum bola», «Mening o'g'rigina bolam» asarlaridan sahna ko'rinishlri namoyish etildi.

Yosh shoirlardan Ramazon Baqoyev, Gulchehra Murodova, Gulsara Xudoyberganova G'afur G'ulomga bag'ishlangan she'rlaridan o'qib berdilar.

Kecha so'ngida Olmos G'ulomova institut rahbarlariga, kitobxonlarga, til-adabiyot guruhi tinglovchilariga o'z minnatdorchiligini izhor etdi.

Nilufar ABDULLAYEVA

QO'LLARDA YANGRADI DO'MBIRA

Qarshi shahrida maktab o'quvchilari o'rtasida Alpomish dostonining 1000 yilligiga bag'ishlangan ko'rik-tanlov bo'lib o'tdi. Unda viloyatning barcha tuman va shaharlaridan tashrif buyurgan o'quvchi yoshlar do'mbirada Alpomish dostonidan termalar ijro qildilar.

Tanlovda birinchi o'rinni dehqonobod tumanidagi Bobur nomli maktabning X sinf o'quvchisi Sh. Mametov va chiroqchilik B. Tog'ayev, ikkinchi o'rinni esa Chiroqchi tumanidagi 104-o'rta maktabning 9-sinf o'quvchisi O. Ergashyev, uchinchi o'rinni Qamashi tumanidagi Beruniy nomli o'rta maktabning 9-sinf o'quvchisi I. Haydarovlar egalladilar

Sharofat ASHUROVA

DTM tahlili

Кўзгуда Фарғона вилояти

Фарғона вилоятидан 1997 йилда олий ва ўрта махсус билим юртларига кириш учун 19320 нафар абитуриентдан ариза тушган. Улардан олий ўқув юртига кириш истагини билдирганлар сони 8045 кишини ташкил этган.

Олий ўқув юртига кириш тестларидан ўтган абитуриентларнинг натижаларига эътибор берилса, Фарғона вилояти бўйича ўзбек тили ва адабиёти, тарих, кимё, география ва немис тили бўйича жавоблар самарадорлиги республика бўйича ўртача кўрсатгичидан юқори бўлган. Тарих ва кимё фанлари бўйича вилоятнинг кўрсатгичи 2-4% дан ортиқроқ юқори бўлганлиги кўринади.

Вилоят бўйича олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш имтиҳонларини тест асосида топширган абитуриентлар орасида Узбекистон, Бешариқ, Фурқат туманларидан ва Қўқон шаҳридан қатнашган абитуриентлар юқори кўрсатгичга эришганлар. Жумладан, Узбекистон туманининг абитуриентлари ўзбек тили ва адабиёт, биология, тарих, география, немис тили ва француз тили бўйича юқори кўрсатгичларга эришганлар.

Лекин Қиргули, Ёзёвон туманлари, Қува ва Қувасой шаҳридан имтиҳонда қатнашган абитуриентлар паст кўрсатгичларга эга бўлганлар. Жумладан, Фарғона вилояти бўйича ўзбек тили ва адабиётидан ўртача жавоблар самарадорлиги 45,7% бўлгани ҳолда, Қиргули тумани абитуриентлари 36,0% натижа кўрсатишган. Туманлар бўйича шундай таққослаш ўтказилса, биологиядан Қувасой шаҳри абитуриентлари 17,1%, Қува шаҳри абитуриентлари кимёдан 15,1%, тарихдан 11,3% паст кўрсатгичга эришганлар. Бундай таққослашни бошқа туманлар бўйича ҳам келтириш мумкин.

Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси, туман маориф раҳбарлари ва ҳар бир мактаб жамоаси баён этилган маълумотларни таҳлил этиб тегишли хулоса чиқарсалар, хайрли иш қилинган бўлур эди.

Фанлар	Жавоблар самарадорлиги %*	Республика бўйича ўртача кўрсатгич
ўзбек тили ва адабиёти	47,90	43,41
тарих	55,10	46,75
математика	40,40	40,87
физика	28,70	29,26
биология	52,70	53,39
кимё	43,04	40,73
география	44,50	43,47
инглиз тили	40,90	40,63
немис тили	24,70	27,94
француз тили	31,50	31,08

*** Ушбу кўрсатгичлар қуйида жадвал шаклида берилган.**

Фарғона вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
Она тили, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсатгичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Фарғона тумани	1568	44.5	599	46.7	156	42.6	813	43.2
2	Данғара тумани	948	47.8	364	47.4	17	44.0	567	48.2
3	Охунбобоев тумани	956	44.4	311	44.1	92	37.5	553	45.8
4	Олтиариқ тумани	974	44.8	383	45.3	75	44.9	516	44.3
5	Қува тумани	1060	43.6	401	42.5	73	45.6	586	44.0
6	Бешариқ тумани	1327	50.0	567	55.6	39	45.9	721	45.9
7	Риштон тумани	1265	45.7	581	46.2	73	45.7	611	45.3
8	Ўзбекистон тумани	1430	51.7	680	54.7	48	46.5	702	49.1
9	Боғдод тумани	926	47.4	353	49.7	46	43.7	527	46.3
10	Ёзёвон тумани	344	43.1	93	44.8	43	48.8	208	41.2
11	Сўх тумани	136	41.5	57	45.3	6	36.6	73	39.0
12	Тошлоқ тумани	744	45.4	273	49.3	66	37.1	405	44.1
13	Бувайда тумани	726	46.1	293	49.4	25	43.4	408	44.0
14	Учкўприк тумани	852	48.3	309	49.9	39	43.6	504	47.8
15	Фурқат тумани	850	48.4	382	48.8	25	43.9	443	48.3
16	Киргули тумани	122	36.0	42	40.7	34	33.4	46	33.7
17	Фарғона шаҳри	1110	38.4	533	42.1	289	33.3	288	36.8
18	Қувасой шаҳри	286	38.3	122	39.2	49	35.9	115	38.2
19	Қўқон шаҳри	800	46.7	405	49.7	48	41.4	347	43.9
20	Марғилон шаҳри	751	40.1	218	43.8	136	34.5	397	39.9
21	Қува шаҳри	199	41.4	56	44.7	23	43.8	120	39.4
	Жами	17374	45.7	7022	47.9	1402	39.8	8950	44.8

Фарғона вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
Математика, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсатгичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Фарғона тумани	685	30.0	204	38.1	106	30.8	375	25.4
2	Данғара тумани	406	30.9	141	37.9	10	33.6	255	26.9
3	Охунбобоев тумани	475	32.1	147	42.7	61	28.7	267	27.0
4	Олтиариқ тумани	461	30.0	138	35.5	38	27.4	285	27.7
5	Қува тумани	398	29.5	144	33.5	35	31.3	219	26.5
6	Бешариқ тумани	508	33.1	188	45.2	20	38.5	300	25.2
7	Риштон тумани	575	32.1	229	40.2	42	32.3	304	26.0
8	Ўзбекистон тумани	573	30.1	200	37.2	29	34.9	344	25.6
9	Боғдод тумани	483	32.2	130	44.0	33	33.7	320	27.2
10	Ёзёвон тумани	186	27.5	29	38.4	30	33.9	127	23.5
11	Сўх тумани	67	32.0	20	43.6	2	30.6	45	26.9
12	Тошлоқ тумани	335	30.1	93	39.8	53	29.0	189	25.7
13	Бувайда тумани	314	29.4	95	39.7	10	33.3	209	24.6
14	Учкўприк тумани	404	30.5	100	38.2	28	39.8	276	26.8
15	Фурқат тумани	394	33.1	146	40.7	17	48.0	231	27.2
16	Киргули тумани	78	28.6	19	39.0	31	27.1	28	23.2
17	Фарғона шаҳри	660	32.2	275	39.7	214	29.8	171	23.0
18	Қувасой шаҳри	139	33.5	62	39.6	37	23.0	40	24.5
19	Қўқон шаҳри	386	40.2	124	57.9	36	38.3	226	30.9
20	Марғилон шаҳри	505	29.8	104	40.1	112	28.5	289	26.5
21	Қува шаҳри	101	32.6	27	36.0	17	44.4	57	27.5
	Жами	9678	33.9	3537	42.6	1115	33.6	5026	27.9

Фарғона вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
Тарих, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсатгичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Фарғона тумани	296	54.8	245	55.6	43	53.3	8	41.0
2	Данғара тумани	181	53.9	164	54.0	6	70.4	11	43.4
3	Охунбобоев тумани	124	50.0	98	51.3	21	47.5	5	34.4
4	Олтиариқ тумани	177	58.7	139	58.0	26	66.0	12	50.9
5	Қува тумани	175	50.4	131	50.1	27	52.6	17	49.5
6	Бешариқ тумани	300	60.3	260	60.8	14	52.8	26	59.6
7	Риштон тумани	275	52.5	233	52.4	26	59.0	16	44.1
8	Ўзбекистон тумани	405	62.1	359	62.1	18	68.1	28	57.4
9	Боғдод тумани	181	54.8	167	54.7	8	53.5	6	61.1
10	Ёзёвон тумани	44	58.1	29	51.7	13	73.5	2	51.4
11	Сўх тумани	30	55.6	25	58.3	3	51.9	2	26.4
12	Тошлоқ тумани	116	54.0	96	54.7	11	56.3	9	43.2
13	Бувайда тумани	146	54.6	123	55.4	11	57.3	12	44.7
14	Учкўприк тумани	173	52.3	154	51.8	10	60.3	9	52.5
15	Фурқат тумани	188	57.9	160	56.7	7	66.7	21	63.9
16	Киргули тумани	17	50.8	12	50.5	3	70.4	2	23.6
17	Фарғона шаҳри	237	50.2	164	52.3	61	49.6	12	24.3
18	Қувасой шаҳри	58	43.5	44	45.1	11	40.9	3	28.7
19	Қўқон шаҳри	256	50.8	242	50.6	11	54.3	3	58.3
20	Марғилон шаҳри	117	50.8	91	51.9	22	51.9	4	20.8
21	Қува шаҳри	30	49.5	19	51.0	6	49.1	5	44.4
	Жами	3686	53.9	3072	54.4	358	55.7	256	44.8

Фарғона вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
Физика, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсатгичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Фарғона тумани	113	25.8	74	27.1	39	23.2		
2	Данғара тумани	58	29.4	54	29.1	4	34.0		
3	Охунбобоев тумани	90	30.6	71	32.6	19	23.1		
4	Олтиариқ тумани	68	24.6	50	26.0	9	20.7	9	20.7
5	Қува тумани	53	24.9	51	25.1	2	22.2		
6	Бешариқ тумани	64	33.7	58	34.3	6	27.8		
7	Риштон тумани	82	26.1	72	26.7	7	19.0	3	27.8
8	Ўзбекистон тумани	78	29.6	64	29.9	14	28.0		
9	Боғдод тумани	69	29.0	56	29.0	10	22.5	3	50.9
10	Ёзёвон тумани	19	23.2	13	24.8	6	19.9		
11	Сўх тумани	9	27.8	9	27.8				
12	Тошлоқ тумани	52	26.0	32	27.3	17	22.2	3	32.4
13	Бувайда тумани	44	31.0	40	31.8	4	22.9		
14	Учкўприк тумани	48	29.7	42	29.4	6	31.5		
15	Фурқат тумани	73	32.6	67	33.3	6	24.5		
16	Киргули тумани	92	26.2	10	24.2	12	24.1	70	26.9
17	Фарғона шаҳри	334	25.6	103	25.7	71	20.9	160	27.6
18	Қувасой шаҳри	54	24.6	20	21.7	23	23.3	11	32.8
19	Қўқон шаҳри	71	29.5	30	31.9	16	24.5	25	29.8
20	Марғилон шаҳри	96	25.9	30	25.0	35	22.8	31	30.3
21	Қува шаҳри	7	24.6	5	25.0	2	23.6		
	Жами	2141	31.3	1367	33.5	459	27.1	315	28.1

Фарғона вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
География, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсатгичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Фарғона тумани	10	44.7	6	39.4	4	52.8		
2	Данғара тумани	29	44.9	29	44.9				
3	Охунбобоев тумани	6	36.6			6	36.6		
4	Олтиариқ тумани	11	39.1	11	39.1				
5	Қува тумани	14	44.8	11	46.5	3	38.9		
6	Бешариқ тумани	15	44.8	15	44.8				
7	Риштон тумани	31	35.8	18	36.6	13	34.8		
8	Ўзбекистон тумани	34	45.8	31	46.5	3	38.9		
9	Боғдод тумани	18	45.5	12	42.4	6	51.9		
10	Ёзёвон тумани	6	42.1	3	38.9	3	45.4		
11	Тошлоқ тумани	10	33.6	6	30.1	4	38.9		
12	Бувайда тумани	13	50.4	13	50.4				
13	Учкўприк тумани	7	49.6	7	49.6				
14	Фурқат тумани	19	48.8	19	48.8				
15	Киргули тумани	20	42.5	20	42.5				
16	Фарғона шаҳри	138	45.4	123	45.9	15	41.1		
17	Қувасой шаҳри	12	51.4	12	51.4				
18	Қўқон шаҳри	2	31.9	2	31.9				
19	Марғилон шаҳри	29	51.8	27	53.9	2	23.6		
20	Қува шаҳри	13	41.2	13	41.2				
	Жами	596	44.4	535	44.8	61	40.9	0	0.0

Фарғона вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
Инглиз тили, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсатгичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Фарғона тумани	231	34.4	171	36.7	60	27.9		
2	Данғара тумани	112	38.2	105	38.4	7	34.5		
3	Охунбобоев тумани	40	35.1	27	39.5	13	25.9		
4	Олтиариқ тумани	104	40.1	80	42.0	24	33.6		
5	Қува тумани	113	34.5	88	37.3	25	24.7		
6	Бешариқ тумани	302	44.1	278	45.1	24	32.9		
7	Риштон тумани	219	35.4	185	36.0	34	32.0		
8	Ўзбекистон тумани	236	36.5	224	36.9	12	29.2		
9	Боғдод тумани	148	37.7	134	37.3	14	41.9		
10	Ёзёвон тумани	24	39.2	13	41.5	11	36.6		
11	Сўх тумани	29	44.9	29	44.9				
12	Тошлоқ тумани	152	35.5	117	37.7	35	28.0		
13	Бувайда тумани	126	40.9	113	41.3	13	37.0		
14	Учкўприк тумани	140	36.4	117	36.6	23	35.0		
15	Фурқат тумани	102	38.5	88	38.2	14	40.5		
16	Киргули тумани	17	45.8	13	47.2	4	41.0		
17	Фарғона шаҳри	342	39.5	225	44.5	117	30.0		
18	Қувасой шаҳри	38	39.5	31	38.1	7	46.0		
19	Қўқон шаҳри	289	48.9	261	49.8	28	41.0		
20	Марғилон шаҳри	123	37.3	69	46.3	54	25.8		
21	Қува шаҳри	35	34.6	21	32.9	14	37.1		
	Жами	2922	39.2	2389	40.9	533	31.5	0	0.0

Фарғона вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
Биология, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсатгичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Фарғона тумани	599	48.6	180	50.0	8	33.0	411	48.3
2	Данғара тумани	387	52.7	92	50.0			295	53.5
3	Охунбобоев тумани	354	52.3	76	51.5	10	31.7	268	53.3
4	Олтиариқ тумани	315	49.4	123	51.8	11	43.2	181	48.1
5	Қува тумани	478	48.6	145	48.9	11	48.5	322	48.5
6	Бешариқ тумани	532	54.6	159	59.7	5	47.8	368	52.5
7	Риштон тумани	446	51.6	165	53.7	5	28.9	276	50.8
8	Ўзбекистон тумани	479	54.6	166	53.2			313	55.3
9	Боғдод тумани	262	52.8	73	53.0	5	38.3	184	53.1
10	Ёзёвон тумани	108	47.2	40	50.0			68	45.5
11	Сўх тумани	33	39.2	12	44.9			21	36.0
12	Тошлоқ тумани	262	53.7	86	59.4	2	30.6	174	51.2
13	Бувайда тумани	257	53.5	80	59.2	4	43.1	173	51.2
14	Учкўприк тумани	298	53.4	87	53.7			211	53.3
15	Фурқат тумани	289	56.5	107	54.9			182	57.4
16	Киргули тумани	26	42.0	11	45.7	2	22.2	13	41.9
17	Фарғона шаҳри	217	45.2	100	50.1	14	30.6	103	42.4
18	Қувасой шаҳри	92	38.5	18	39.7	5	22.2	69	39.4
19	Қўқон шаҳри	188	47.7	75	44.6	3	25.9	110	50.4
20	Марғилон шаҳри	108	49.2	23	54.3	2	38.9	83	48.0
21	Қува шаҳри	47	52.1	13	57.1			34	50.2
	Жами	6004	50.5	2027	50.5	118	32.4	3859	51.0

Фарғона вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
Немис тили, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсатгичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Фарғона тумани	94	24.0	71	24.4	23	22.9		
2	Данғара тумани	5	25.6	5	25.6				
3	Охунбобоев тумани	145	28.1	105	29.6	40	24.3		
4	Олтиариқ тумани	108	25.5	79	26.9	29	21.6		
5	Қува тумани	95	23.2	66	23.9	29	21.7		
6	Бешариқ тумани	12	27.5	10	28.9	2	20.8		
7	Риштон тумани	67	26.0	59	26.2	8	24.3		
8	Ўзбекистон тумани	130	32.9	114	33.3	16	30.4		
9	Боғдод тумани	54	29.1	47	29.9	7	23.8		
10	Ёзёвон тумани	11	21.0	7	23.4	4	16.7		
11	Сўх тумани	2	23.6			2	23.6		
12	Тошлоқ тумани	13	26.1	11	25.0	2	31.9		
13	Бувайда тумани	31	24.3	28	24.4	3	23.1		
14	Учкўприк тумани	15	30.7	11	30.6	4	31.3		
15	Фурқат тумани	49	30.3	47	30.1	2	33.3		
16	Киргули тумани	12	36.1	6	42.1	6	30.1		
17	Фарғона шаҳри	80	25.3	45	30.5	35	18.6		
18	Қувасой шаҳри	61	24.9	46	25.7	15	22.6		
19	Қўқон шаҳри	16	29.7	12	27.1	4	37.5		
20	Марғилон шаҳри	99	21.7	62	22.9	37	19.6		
21	Қува шаҳри	19	28.9	12	21.8	7	41.3		
	Жами	1591	34.1	1248	36.3	343	26.3	0	0.0

Фарғона вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
Кимё, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсатгичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Фарғона тумани	159	39.3	126	41.8	15	23.5	18	34.4
2	Данғара тумани	53	44.0	47	45.2			6	35.2
3	Охунбобоев тумани	77	35.4	55	41.3	10	20.8	12	20.4
4	Олтиариқ тумани	152	34.5	103	39.6	12	24.8	37	23.6
5	Қува тумани	138	37.4	101	38.6	12	30.3	25	36.2
6	Бешариқ тумани	143	48.3	114	54.3	5	31.1	24	23.3
7	Риштон тумани	143	37.5	122	38.8	7	27.4	14	31.7
8	Ўзбекистон тумани	117	42.3	103	42.8			14	38.9
9	Боғдод тумани	75	34.6	55	37.9	7	23.4	13	26.7
10	Ёзёвон тумани	40	35.7	28	37.5			12	31.5
11	Сўх тумани	14	39.7	9	38.9			5	41.1
12	Тошлоқ тумани	117	41.7	78	49.0	7	24.2	32	27.8
13	Бувайда тумани	73	46.3	58	49.1	4	40.3	11	34.1
14	Учкўприк тумани	61	50.3	54	50.9			7	46.0
15	Фурқат тумани	96	42.0	86	43.6	2	30.6	8	28.5
16	Киргули тумани	26	27.5	12	34.0	11	22.5	3	19.4
17	Фарғона шаҳри	161	36.1	95	38.1	41	29.2	25	39.4
18	Қувасой шаҳри	26	33.0	19	32.9	4	29.2	3	38.9
19	Қўқон шаҳри	26	46.3	16	46.0	2	19.4	8	53.5
20	Марғилон шаҳри	52	34.0	27	43.0	5	25.0	20	24.2
21	Қува шаҳри	35	29.3	12	45.4			23	20.9
	Жами	1993	40.0	1454	43.4	144	26.7	395	32.4

Фарғона вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
Француз тили, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсатгичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Фарғона тумани	50	30.2	41	32.7	9	18.8		
2	Данғара тумани	58	26.4	54	27.0	4	18.1		
3	Охунбобоев тумани	16	35.1	14	37.1	2	20.8		
4	Олтиариқ тумани	13	31.4	10	26.9	3	46.3		
5	Қува тумани	15	26.7	13	27.4	2	22.2		
6	Бешариқ тумани	5	33.9	3	40.7	2	23.6		
7	Риштон тумани	37	29.0	34	29.5	3	23.1		
8	Ўзбекистон тумани	28	38.0	26	37.4	2	45.8		
9	Боғдод тумани	19	30.6	17	31.0	2	26.4		
10	Ёзёвон тумани	30	32.2	11	31.1	19	32.9		
11	Сўх тумани	6	24.5	6	24.5				
12	Тошлоқ тумани	9	29.6	9	29.6				
13	Бувайда тумани	8	30.9	8	30.9				
14	Учкўприк тумани	16	27.3	13	27.4	3	26.9		
15	Фурқат тумани	23	32.4	23	32.4				
16	Киргули тумани	12	33.8	10	35.8	2	23.6		
17	Фарғона шаҳри	17	38.7	8	54.5	9	24.7		
18	Қувасой шаҳри	10	44.4	10	44.4				
19	Марғилон шаҳри	7	40.9	2	18.1	5	50.0		
20	Қува шаҳри	2	22.2	2	22.2				
	Жами	467	33.5	380	34.2	87	30.3	0	0.0

Tadbir

ИЛМИЙ АНЖУМАН

Тошкент давлат шарқшунослик институтида И. Каримовнинг «Узбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобига бағишланган «XXI аср бўсағасида хавфсизлик ва тараққиёт муаммолари» мавзуида олий ўқув юртлариаро илмий анжуман бўлиб ўтди.

УзРФА мухбир аъзоси, ТошДШИ ректори, профессор Неъматилла Иброҳимов анжуманни очар экан, Президентимизнинг мазкур асаридаги хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, жамият тараққиёти ҳамда яшнаши бўйича мустаҳкам кафолатлар бериш ва шароитлар яратиш юзасидан қўйилган масалаларнинг доимий аҳамияти борлигини таъкидлади. Анжуманда Узбекистон Республикаси Президенти девони масъул ходими З. Мунавваров, олий ва ўрта махсус таълим вазири О. Салимов ва ТошДУ проректори, профессор Р. Муртозаевалар, шунингдек пойтахтимиздаги чет эл дипломатик корпус вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва олий ўқув юртлари мутахассис олимлари иштирок этишди.

Мазкур анжуман иши икки кун давом этиб, унда анжуман қатнашчилари «Ҳозирги замон халқаро муносабатларида хавфсизлик муаммолари», «Давлат ва жамият хавфсизлиги муаммолари» ҳамда «Ҳозирги замоннинг оламшумул муаммолари ва умуминсоний тараққиёт» каби шўъбаларда фаолият кўрсатишди.

Нурлан УСМОНОВ

КЎЧМА УСЛУБИЙ КЕНГАШ

Ургут туманидаги 8-ўрта мактабда туман мактаблари бошлангич синф ўқитувчиларининг кенгайтирилган услубий кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари 8-мактабдаги услубий бирлашма иши, мактаб бошланғич синфларининг аҳволи билан танишдилар ва 6 соатлик очиқ дарсларни таҳлил қилдилар.

3-«В» синфда Маматқул Расуловнинг математика, 3-«Б» синфда Тоҳир Хурсандовнинг она тили ҳамда София Ҳамдамованинг табиатни кузатиш дарслари юқори савияда ўтказилганлиги кенгаш қатнашчилари томонидан таъкидлаб ўтилди.

Услубий кенгашда очиқ дарсларни кузатиш билан бир қаторда «Таълим тўғрисида»ги Қонунни чуқур ўрганиш борасида ва бу Қонуннинг бажарилиши мактабларда қандай амалга оширилаётгани ҳақида ўқитувчилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Эрон пойтахти Теҳронда исломий жангарилар Президент Муҳаммад Ҳотамийни қўллаб-қувватлаб намойишга чиққан талабаларни тош ва таёқлар билан уришган. Натижада бир неча киши жароҳатланган ва баъзилар касалхоналарга етказилган. Полиция бир соатдан узоқ вақт давом этган тўқнашувларни тўхтатиш учун кўз ёши сиздирувчи газни ишлатишган. Талабалар намойишини ўтказишга Ички ишлар вазири рухсат берган эди.

* * *

Индонезиянинг янги ҳукумати парламент сайловларини мумкин қадар тезроқ ўтказишга ваъда берди. Аммо, аниқ бир кунни эълон қилмади. Ҳукумат матбуот котибининг айтишича, авваламбор сиёсий фаолиятни чекловчи сайлов бўйича қонунларни ўзгартириш лозим. Бунга эса бир неча ой кетади. Сайловларни эрта ўтказилиши ўтган ҳафта Президент Сухартонинг лавозимини тарк этишга зўрлаган намойишчиларнинг асосий талаби эди.

Лондон, «ВВС» ўзбек хизмати

Пойтахтимиздаги Муҳаббат Назарова номидаги мактабда ҳам шу кунларда имтиҳонларга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Битирувчи ўқувчиларни эса, яна бир имтиҳон — олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари кутмоқда. Тарих фани ўқитувчиси Ў. Саидова (суратда) 20 йилдан бери шу мактабда ёшларга сабоқ бериб келади. У ўз шогирдларининг барча имтиҳонлардан муваффақиятли ўтишлари учун астойдил меҳнат қилмоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат

АЖДОДЛАРИМИЗ — ФАХРИМИЗ

Бизга ўлмас мерос қолдирган Оқилхон Шарофиддинов хотирасини ёд этишга бағишланган адабий кеча шундай номланди. Тўғриси, бу тадбирнинг ташаббускори ҳам, ташкилотчиси ҳам ўзим бўлдим. Чунки бошланғич синф ўқувчиларига бу инсон ҳақида маълумот бериш ўз гарданимизга тушади.

Қувноқ мусиқа садолари остида саҳнага улуғ бобокалонларимиз қиёфасидаги жажжи ўқувчиларим ташриф буюришди. Алишер Навоий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур Мирзо... Синфдаги энг аълочи ўқувчим Нигора Суюнова кечани олиб борди. Гулжаҳон Ҳўжанова, Зилола Душановалар гоҳ энтикиб, гоҳ тутилиб баён этган матнлар бу улуғ алломаларимизнинг таржимаи ҳолларига бағишланган эди. Жажжи «алломаларим»нинг «ўз» ҳикмат, панд-насиҳатларидан виқор ва салобат билан ўқиб беришлари, айниқса, кеча иштирокчиларига сариёғдек ёқиб тушди. Негаки, уларнинг талаффузи, салмоқ билан сўзлашлари кишини бефарқ қолдирмасди. Бу ўз навбатида каминанинг ҳам камтарин хизмати эканлигидан кўнглим тоғдек кўтарилди.

Кеча охирида сўзга чиққан ота-оналардан Зарифа Душанова ҳаяжонини яширолмади: «Сезиб турибман, «Алифбе»ни «сув» қилиб ичган бу болакайлардан замонамизнинг буюк шахслари етишиб чиқади».

«Аждодларимиз—фахримиз» деб номланган бу кичик тадбирга туман халқ таълими вакиллари ҳам таклиф этилган эди. ТХТБ вакили Абдулла Маликов буни «Бир соатлик жуда ажойиб дарс бўлди» дея баҳолади. Бу гап шунчаки айтилмаганини эътироф этган ҳолда, туман, вилоят, пойтахтдан беҳад узоқликда жойлашган бизникидек олис тоғли қишлоқ мактабларида бундай кечалар нафақат ўқувчиларнинг, балки ҳамкасбларимнинг ҳам кайфиятларини кўтаришини англадим.

Раҳима ДЎСТОВА, Самарқанд вилояти Қўшработ туманидаги 43-таянч мактабнинг 1-тоифали ўқитувчиси

МУҲИМ УЧРАШУВ

Гулистон шаҳридаги Олим Ҳўжаев номидаги вилоят театри биносида Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги нашрлар бош муҳаррирлари, Сирдарё вилоят газетасининг Бош муҳаррири ҳамда вилоят «Зиёкор» газетасининг муҳаррири билан вилоят халқ таълими ходимларининг учрашуви анъана тусига кирди. Учинчи йил ўтказилган мазкур учрашув ҳам қизиқарли, баҳс-мулоҳазаларга бой тарзда ўтди. Уни Сирдарё вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи С. Ғуломова очар экан, бу мулоқотнинг икки томон учун ҳам аҳамияти ва педагогик нашрларнинг ўқитувчи ҳаётидаги ўрни ҳақида гапирди. Барча муҳаррирлар ўз нашрларининг келгусидаги режалари ҳақида вилоят халқ таълими ходимларига сўзлаб бердилар. Уларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

Бу йилги учрашув яна бир жиҳати билан алоҳида ажралиб турди. Мулоқот давомида вилоят ижодкор ўқитувчилари ўз ижод намуналаридан ўқиб бердилар. Тадбирни Сирдарё вилоят педагог ходимларининг малакасини ошириш институти директори, ташкилотчи Эркин Куйбишев олиб борди.

Мухбиримиз

Yangicha usul

ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ НИМА?

«Таълим тўғрисида»ги Қонун асосида «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг қабул қилиниши таълим тизимини тубдан ислоҳ этишни тақозо этувчи муҳим ҳужжат ҳисобланади. Дастурнинг негизида назарий-методологик концепция ётади. Шунинг учун уни ўрганиш ва амалга татбиқ этиш шунчаки кечадиган жараён эмас. «Миллий дастур» ўзига хос янгича ёндашувни, янгича методикани ва янгича касб маҳоратини талаб этади. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» — бу янгича педагогик технологиянинг ўзи. Ижодкор мутахассис, ижодкор тарбиячи ва ўқитувчи ўзининг соҳа йўналиши бўйича янгича педагогик технологияни ажрата олмоғи ҳамда уни амалга татбиқ эта билмоғи лозим.

«Миллий дастур» бўйича қилаётган маърузаларимизда тингловчилар — талабалар, тарбиячи ва ўқитувчилар, мактаб раҳбарлари, боғча мудиралари педагогик технология тўғрисида тушунча беришни сўрашади. Бундан, албатта, хурсанд бўлишимиз лозим. Демак, тарбиячи ва ўқитувчиларимиз ўзларининг ихтисослик йўналишлари бўйича нималарнидир қилишмоқда, қандайдир изланиш олиб боришга киришишган десак ўринли бўлади. Тўғриси, «педагогик техника» ва «педагогик технология» тушунчалари истеъмолга анча аввал кириб келган. Жумладан, жадидчиликнинг ўзида бир олам янгича педагогик технологияни кўриш мумкин. Аммо мафкуралашган тузум тазйиқи бунга йўл қўймаган. Бугунги тарбиячи-ўқитувчиларнинг фаолиятига назар солсангиз, аксарият қисмида ҳамон иккиланиш, баъзан чўчиш, охиригача тушуниб ета олмаслик ва таҳлил етишмаётганлигини кўришингиз мумкин. Бунинг жавоби битта — изланувчанлик ва ижодкорликнинг етишмаслиги!.. Бу билан тарбиячи ва ўқитувчиларни тўлиқ айблашдан мутлақо йироқдамиз. Чунки у давр мафкураси авторитар педагогикага, буйруқбозликка асосланилган эли.

Сўнги вақтларда педагогик технология тўғрисида босилаётган мақолалар кўзга ташланиб келмоқда. Профессор К. Зариповнинг «Янги педагогик технологияни татбиқ этиш босқичлари» («Халқ таълими» 4-сон, 1997 йил, 4—12-бетлар), профессор А. Парпиев ҳамда доцент В. Фефеловларнинг ҳаммуаллифликда тайёрлаган «На основе педагогического прорыва» («Учитель Узбекистана» 12 ноября 1997 года) каби мақолалари эътирофга лойиқ ҳисобланади. Аммо шу нарсани алоҳида қайд этиш лозимки, янгича педагогик технологияни «Миллий дастур» талаблари асосида назарий жиҳатдан асослаб ва уни амалга татбиқ этиш бирданига кечадиган жараён эмас. Айниқса узлуксиз таълим-тизимига хос бўлган янгича педагогик технология турлари Дастурни рўёбга чиқариш босқичларига мувофиқ келади.

Энди «педагогик техника» ва «педагогик технология»га бир қадар ойдинлик киритсак. Педагогик техника — тарбиячи ва ўқитувчининг ички фаолиятидан (ички диалогдан) келиб чиқадиган мазмунни ифодалай олиш қобилиятини билдиради. Бу, айниқса, тарбиячи ва ўқитувчининг касбий тарбиялганганлик даражасини белгилашда кўринади. Масалан, мутахассиснинг ташқи кўринши ва хатти-ҳаракатини тўғри идора эта олиши, айрим сўзлар ўрнида мимик ва пантомимик имо-ишораларни ўринли қуллай билиши, ҳисиёти, кайфияти, диққатини тўғри бошқара билиши, сўзларни тўғри ва адабий тилда ифодалай олиши, талаффузга хос тиниқлик, нутқнинг равонлиги (лозим бўлганда паст ва баланд кўтара олиши) каби сифатларни санаб ўтиш мумкин. Ўқитувчининг тилига хос техник хусусиятни ифодалашда унинг илмий, адабий ва методик жиҳатлари аксарият ҳолда эътибордан четда қолиб кетади. Кўпчилик тил деганда она тили фанини пухта ўзлаштириш билан боғлиқ жараённи тушунишади. Бу бир томонлама хулоса чиқаришдан бошқа нарса эмас. Тил миллатнинг овози, руҳи, қиёфаси, маданияти сифатида намоён бўлади. Демак, тил ўзлик ва ўзини англашдир. Айниқса ўқитувчининг она тилига бошқа тилларга хос сўзларни қўшиб гапириши тилни қашшоқлаштиради. Унинг ўзига хос техник хусусияти ҳам бузилади. Тили қашшоқнинг дили ва бераётган таълими ҳам қашшоқ бўлади. Нутқ техникасида ушбу масала алоҳида ўрин тутмоғи лозим. Ўқитувчининг педагогик маҳорати шаклланишида «педагогик техника»га хос қобилият муҳим аҳамиятга эга. Чунки педагогик техниканинг негизида ўқувчи билан амалга оширилиши лозим бўлган таълимий ва тарбиявий муносабат туради. Ана шу муносабатнинг узлуксиз ва барқарор тус олиши келгусида муайян педагогик технологияни келтириб чиқаради.

Педагогик технология тўғрисида гап юритилганда «янги», «янгиланган» сўзларини қўшиб фикримизни ифодаламоқдамиз. Чунки бир вақтлар «янги» ҳисобланган педагогик технология бугунги кунда эскирган бўлиши мумкин. Масалан, Я. А. Коменскийнинг синф-дарс тизими, бир соатлик дарснинг 45 дақиқа қилиб қатъий белгиланганлиги, ўқитувчининг календар-тематик режа тузиб, ундан ташқарига чиқиб кета олмаслиги каби эски стандарт бугунги кун талабига жавоб бера олмайди. Чунки, тўққиз йиллик, мажбурий ўн бир бир йиллик таълимда илмий асос йўқ эди. Илмий асоси бўлмаган таълимда методолик асос ҳам бўлмайди. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» асосида яқин йилларда таълим беришнинг мутлақо янги методикаси ишлаб чиқилади. Бу эса янгича педагогик маҳоратни талаб қилади. Педагогик технология — педагогик маҳорат тўғрисидаги фан. Шунга кўра педагогик технологияда ўқитувчининг методик маҳорати муҳим аҳамият касб этади. Янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, янги методик маҳорат — янги педагогик технология дегани.

Ўқитувчи шахсининг касбий йўналишини энг юқори поғонаси, педагогик маҳоратни белгилайди. Педагогик маҳорат — ўқитувчи ижодкорлигининг олий намунаси. Педагогик маҳорат ўқитувчида йиллар давомида шаклланади. Маҳоратли ўқитувчи ҳар доим илғор тажриба соҳиби бўла олади. Шунинг учун технология сўзи ўз таркибига — янгича, илғор, новаторлик, ижодкорлик, касб тафаккури каби тушунчаларни қамраб олади. Бу тушунчаларнинг ривожи юқорида айтиб ўтганимиздек, педагогик маҳоратда кўринади. Педагогик маҳорат ўзининг йўналишига қараб таълимий ва тарбиявий бўлади.

Олиб борилаётган тарбиявий ишларни ўтказилган тадбирлар сони билан белгилаш одат тусига кириб қолган. Масалан, «тарбияси қийин» болалар хусусида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари, маҳалла фаоллари билан бирга ўтказилган тадбир. Дейлик, диний мавзуда ўтказилган учрашувдан келиб чиқадиган тадбир ва ҳоказо.

Тадбирларни жуда кўплаб ўтказиш мумкин. Аммо тадбирлар сони ўқувчини (ёки талабани) тарбиялаганлик даражасини аниқловчи мезон бўла оладими? Ёки уни оширишга хизмат қиладими? Йўқ, албатта. Буни биз янги педагогик технология асосида таҳлил этишни алоҳида мавзу қилиб белгиладик. Насиб этса кейинги мақолаларимизда кўриб чиқамиз.

Юқорида таъкидлаб ўтган фикрларимизни биргина мисол тариқасида тушунтирадиган бўлсак, айниқса тарбия дарсларида янгича педагогик технология тўғрисида деярли фикр юритилмаганлигини кўрамиз. Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» асарида «Устоз-шогирд» муносабатида «тавозе»га янги чиққан ярим ойни мисол қилиб, камтарин, билимдон инсонга хос тавозени тушунтириш, камтарин инсоннинг доимо ой каби тўлиб, нур таратиб боришини, бу нур инсонни зулматдан қутқариши мумкинлигини изоҳлаб ўтиш жоиз.

Ноанъанавий кўринишдаги тарбия дарсида биргина мисол орқали ўқувчини янгича фикрлашга ундаш мумкин. Янги ой шаклланиб келаётган миллийлигимиз, миллий қадриятларимиз эканлигини қиёслаб тушунтириш ўринли бўлади. Ой тўлгани каби комил инсон шаклланиб боради. Ой тўлгани сари шунчалик ёруғ нур тарата боради. Юлдузлар эса чарақлаб чиқа боради. Ана шунда тун қоронғи тортгани сари юлдузлар чарақлаб чиқаверади. Бу эса тонг отишини билдиради. Мусаффо тонг эса бола қалбига ўхшаш тиниқ бўлади. Ҳар бир нарсанинг овози, ранги, ҳиди бор бўйича ўзини кўрсата оладики, буни шаклланиб келаётган инсон тарбиясига қиёслаш мумкин. Мана шундай ноанъанавий ёндошув тарбия дарсига хос янги технологияни билдиради.

Янги педагогик технологиянинг асосий мақсади ва вазифаси янги методик маҳоратни ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштиришга қаратилган бўлади.

Энди, янги педагогик технология билан бир сафда янги ахборот технологияси ҳам мавжуд. Янги ахборот технологиясининг асосий мақсади, таълим тизимини компьютерлаштириш концепциясидан иборат. Ҳар иккала технология турида ҳам билим ва қобилият ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Билим ва қобилиятнинг юзага чиқиши ўқитувчининг касб маҳоратидан келиб чиқади.

Ҳабибулло АБДУКАРИМОВ, Гулистон Давлат университети доценти

Yaxshilar oramixda

МЕҲРИНГИЗДАН ДИЛЛАР ФАЙЗИЁБ

(Биринчи ўқитувчим Шарифа Усмоновага)

Масъул котибимиз қўлимга тутқазган таклиф қоғозига кўз югуртириб, йўлакда бир лаҳза туриб қолдим. Пскентдан, илк сабоқ олганим — қадрдон мактабимдан келганди у. Илм масканини битирганимизга йигирма йил тўлиши муносабати билан собиқ синфдошлар учрашувга ҳозирлик кўришмоқда экан. Шу мақсадда, кенгашиб олмоқ ниятида мени ҳам чорлашибди. Ногоҳ қалбимни ширин ҳислар қамрай бошлади. Чамаси, соғинч энтиктирар, дийдор чорлар, унинг баробарида қандайдир маъсулият отлиғ бир ҳис борлигимни чулгаб борарди.

Наздимда, фалак гардиши ортга айлангандай, хотирамга битилган ўтмиш зарварақлари аста очилиб кетгандай бўлди. Мактабимни, унга илк бор қадам қўйган ўша мен учун сирли, сеҳрли туюлиб қолган тонгни, эсладим...

Биринчи сентябрь эди ўша нурафшон кун. Кечагидай ёдимда. Ҳаммадан барвақт уйғониб олгандим. Ойим олиб берган Алифбо китобини бағримга босиб, азонлаб куча айланиб чопиб чиққандим. «Мен энди мактабга кетяпман, мана китобим». Сокин оқадиган анҳор билан, чўмилиб чиққач кийимларимизни шохларига илиб қуритадиганимиз — кекса тол дарахти билан ўзимча шундай хайрлашгандим. Гўё руҳим мурғак вужудимга сиғмас, юрагим ларзон тепар, сакраб-сакраб қўярдим. Шодлигимдан қийқиргим келарди. Ҳеч ўтмай онам қўлимдан тутдилар. Йўлга тушдик. Атрофда баланд чинорлар маҳзун чайқалиб турган мактабга кириб бордик. Чиройли ва ораста ҳовлида мен каби уч тўрт болалар, жамалак сочли қизчалар тўпланишганди.

Ўрта бўйли, юзларидан нур балқиган, кўркам бир аёл уларни бирма-бир сафга тизмоқда эди. Бу сиз эдингиз, муҳтарама устоз! Чанқоқ кўзларим, ҳали ҳаво сингари бўмбўш қалбим, тасаввур нима эканлигини англамайдиган идроким билан ийманиб, тортиниб, термулиб қолдим. Аста бизга юзландингиз, чеҳрангиз очиқ, самимий, нурли эди. Аввал онам билан илиқ кўришдингиз. Сўнг менга қарадингиз. Осмонга боққандай пастдан тепага, бошимни юз тубан кўтариб, ҳамон сизнинг юзингизга тикилиб турардим. Онам «Мана, опаси», дея қўлимни сизнинг юмшоқ қўлингизга тутдилар. Шу топда иккинчи бўш қўлингизни аста бошимга қўйдингиз. «Айланиб кетай, болажоним. Сени ўзим ўқитаман». Ҳатто шу ўта самимий сўзнингда маъною моҳияти ўша лаҳзада менга ёт, мавҳум эди.

Шу куни мени сафнинг энг олдинги қаторига турғазиб қўйдингиз. Биринчи қўнғироқ чалинди. Бу оҳанг даврадаги ҳамма нарсадай сирли, сеҳрли эди. Ногоҳ яна сафнниг олдинги қаторига яқин келиб, такрор қўлимдан тутдингиз. Эшиклари ланг очиқ хона сари даъват қилдингиз. Шошиб ёнимга ўгирилдим. Кўзларим сал нарироқдаги аёллар орасида турган онамни излаб топди. Негадир, қароғларида икки томчи ёш ярқираб турарди. Астагина кулимсираб қолдилар. Синфга кирдик. Сиз барча тенгдошларим қатори менинг ҳам қўлимга илк бор қалам тутдингиз. Бармоқларим устидан беозоргина сиқиб, биринчи марта аллақандай шаклни чизишга қўмаклашдингиз. Ҳайҳот, устоз! Ўша лаҳзада сиз қўлимга қалам тутаётиб, менга тангридан нималарни илтифот қилиб тилагандингиз? Ахир, бу қалам — ўша қалам бир умр қўлимга қолиб кетди-ку. Қундалик ҳаётимга, касбу коримга, умрим мазмунига айланиб қолди-ку! Ушандан буён мана қанча сувлар оқиб ўтди. Оралиқда қанча лаҳзалар, йиллар кечди. Аммо сиз тутган бу қалам ҳамон қўлимда. Не тонгки, у кейинчалик қалбимга ижод аталмиш бир дардни ҳам солди. Иштиёқ билан ёзишга ундади, ундайверди, ҳамон ундаётир ҳам. Бундай ўйлаб қарасам, ўтган давр ичида Узбекистон дея аталмиш бу кўҳна Ватанда чоп этиладиган бирорта газета-журнал қолмабдики шу қалам битган битикларни босмаган, эълон қилмаган бўлса. Бугун бу гапларни нега эслаяпман? Мақтаниш учунми, асло, сиз билан яқинлашиб келаётган учрашув сабаб, дийдор сабаб, мавриди келганлиги учун фахр билан, ички бир ифтихор билан айтмоқдаман, холос. Кимдир шогирдига техника рулини беради, биров дастгоҳ тоширади, бошқаси яйловда чўпонлик таёғини инъом этади. Нима бўлганда ҳам, тилак соф ва хайрли бўлса, шогирд равнақ топади, ўсади, камолга эришади.

Менинг ҳам ўшандаги тилакларингиз қалбингиз каби покиза, меҳрингиз каби ўтли бўлганлигига асло шубҳам йўқ. Акс ҳолда, мен оддий бир деҳқон фарзанди бу қадар камолга эриша олмасмидим...

Ижод аҳли даврасида шундай тамойил бор. Агар бир мақолани бошқалардан андак афзалроқ қилиб ёзсангиз, бош муҳаррирлари отанга эмас, устозингга раҳмат дейишади. Бу таъкид тўғри ва айни ҳақиқатдир. Чунки устозни илми ҳурматига, отадан-да улуғроқ мақтовга сазоворроқ ҳисоблайдилар. Айтмоқчи бўлганим сиз тутган қалам туфайли неки саодатга мушарраф бўлсамда, ташаккур изҳори, аввало, сизга таллуқлидир. Ҳақиқатга келсак, чиндан-да унинг йўли машаққатли, залвори эса ўта оғир экан.

Вақтида тўғри нарсаларни чоп эттириб не-не тўҳматларга, азобу машаққатларга дуч келдим. Шундай онларда сизнинг ўша тўғрилик ҳақидаги таъкидларингиз менга таскин бағишлайди...

Устоз, умр деганлари шитоб билан оқаётган дарё янглиғ тўхтовсиз бир жараён экан. Ҳаёт соат миллари каби доимий ҳаракатдан иборат ҳилқат. Йўқотилган нарса топилмайди. Бой берилгани яна аслидай қайтиб қўлга кирмайди. Шу сабаб ҳам уткинчилиги туфайли дунёга фоний дея нисбат берилгандай. Ҳикматларда жон бор. Бунда фақат меҳр қолади, муҳаббат боқий туради, эзгулик, хайрли ишлар эса бардавомдир. Мана шу жиҳатдан қараганда, бутун ҳаётини хайрга бахшида этиб, шогирдлари қалбида қайноқ меҳри билан ҳали тириклигидаёқ ўзига ҳайкал қўя олган устозларни шамга қиёслашади. Зотан, шам ҳам атрофини ўз нури билан мунаввар этмоқ учун ёнмоқни кўзлайди. Унинг зиёси кўзларда, баҳраманд дилларда боқий қолади. Албатта, бу бир нисбат, қиёс. Шунга қарамай, асл моҳиятга шу нуқтаи назар билан боқсак, сиз биз шогирдлар учун бир зиё манбаи эдингиз, ибрат эдингиз. Ҳукуматимиз сизнинг узоқ йиллик камтарона меҳнатингизни муносиб тақдирлаган. Кўксингизни безаб турган бир қанча медаллар, фахрий ёрлиқлар заҳматли фаолиятингизга берилган муносиб баҳодир. «Халқ таълими аълочиси» эканлигингиз эса соҳада қанчалик ибрат курсатиб ишлаганлигингизни англатади. Муҳими, сиз ҳаёт боғига ўтқазган ниҳоллар — юзлаб шогирдларингиз бугун жамиятимизнинг турли жабҳаларида юрт хизматида камарбастадирлар. Демак, ёш авлодни тарбиялаш йўлидаги саъи-ҳаракатларингизнинг ҳеч бири самарасиз, изсиз кетмабди. Бу эса буюк бахтдир.

Учрашув онлари яқинлашаяпти...Юракларимиз соғинчдан энтикиб, дийдорингиз сари талпинмоқда. Ҳадемай, яна иссиқ меҳрингиздан файзиёб бўламиз. Бу не саодатки, қаршингизда қўл қовуштириб ҳар биримиз ҳамма-ҳаммаси учун бош эгамиз.

Таъзим сизга муҳтарама устоз!

Камоли эҳтиром ила, собиқ ўқувчингиз

Иброҳим ТОШЕВ

ЭЪЛОН!

Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек Жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси, Ўзбекистон радиоси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Мустақиллигининг 7 йиллигига бағишланган «Ихтиро қил, синаб кўр ва тадбиқ эт!» мавзуида ихтирочи ва рационализатор ёшларнинг республика кўрик-танловини эълон қилади.

Ушбу кўрик-танлов ёш ихтирочилар, рационализаторлар, тадқиқотчилар, муаллифларни руҳлантириш, илҳомлантириш, илмий кашфиётлар, ихтиролар, рационализаторлик таклифларидан халқ хўжалигида самарали фойдаланиш, янги замонавий технологияларнинг ҳаётга жорий этилишига кўмаклашиш, истеъдодли ёшларнинг имкониятларини эзгу ва улуғ мақсадларга йўналтиришга қаратилган.

Кўрик-танловда иштирок этувчилар ўзларининг сўнгги 2—3 йил ичида яратган илмий-техникавий ихтиролари, илмий кашфиётлари, рационализаторлик таклифлари, халқ хўжалигига жорий қилинган замонавий технологиялар, макетлар, лойиҳалар, чизмалар, конструктив моделлар ва бошқаларни, шунингдек, иштирок этувчиларнинг фаолиятига доир маълумотлар, фотосуратлар, видеокасеталар, кундалик матбуотда эълон қилинган мақолалар, рисолалар ва бошқа материалларни қўшиб юборишлари мумкин.

Танлов иштирокчилари қуйидаги саволларга ёзма жавоб беришлари сўралади:

1. Тақдим этилаётган ишнинг янгилик жиҳатлари нималардан иборат?
2. Ишнинг ҳаётга тадбиғи (қаерда, қачон).
3. Кутилаётган иқтисодий самара (ишнинг фойдали коэффициенти).
4. Ишнинг экологик кўрсаткичлари (атроф-муҳитга таъсири).
5. Ишнинг жамоатчилик томонидан баҳоланиши.
6. Муаллифлик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат (муаллифлик гувоҳномаси, дастлабки патент ва патент)лар.
7. Муаллифнинг вилоят, республика ва халқаро илмий-техникавий йиғинлардаги иштироки ва ишнинг баҳоланиши.
8. Шу йўналишдаги хорижий технология, кашфиёт, ихтиро ва бошқалар билан алоқадорлиги.
9. Ушбу ишингизни юртимиз истиқлоли учун қанчалик аҳамиятли деб ҳисоблайсиз?

Ушбу кўрик-танловга 35 ёшгача бўлган истеъдодли ёшлар қатнашишлари мумкин. Муаллифлар сони 3 кишидан ошмаслиги керак.

Танлов қатнашчилари ўз ишларининг натижасини қисқача ифодаловчи шарҳ ва саволларга жавобларни (машинкаланган ҳолда) Улуғбек Жамғармаси Бошқаруви ҳузурида ташкил этилган республика танлов ҳайъатига жорий йилнинг 1 августигача қуйидаги манзил: 700027, Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси 1-уй, 5-қават, Улуғбек Жамғармаси Бошқарувига юборишлари лозим.

Ихтиро, илмий кашфиёт ёки рационализаторлик таклифлари, ёшларнинг техникавий ижодкорлиги намуналари бўйича уларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши шарт.

Танлов ғолибларига Улуғбек Жамғармасининг қуйидаги:

Биринчи ўрин учун — Рангли телевизор
Иккинчи ўрин учун — «Семурғ» телевизори
Учинчи ўрин — Магнитофон
мукофотлари берилади.

Республика кўрик-танловида 1,2 ва 3-ўринларни олганлар Улуғбек Жамғармаси ва Ўзбекистон Телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда янги йил арафасида махсус ташкил этиладиган кўрсатувга таклиф этиладилар.

Танлов ҳайъати томонидан муносиб топилган ишлар унинг муаллифи таржимаи ҳоли билан биргаликда махсус нашр этиладиган тўпламга киритилади.

Кўрик-танловга марҳамат!

Маълумотлар учун телефонлар:

45-23-48 45-24-57
45-26-45 45-96-96

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ РАҲБАРЛАРИ!

Давлатимизнинг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» қабул қилиниши барча халқ таълими ходимларига катта масъулиятлар юклади. Юқоридагиларни ҳаётга жорий қилиш мақсадида, мактабгача тарбия ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи республика курси 1998 йил июнь ойи учун қуйидаги курсларни режалаштирди.

Курсларга мактабгача тарбия муассасаларининг қуйидаги раҳбар ходимлари таклиф этилади.

1. Мактабгача тарбия муассаса мудиралари — 1.06 — 27.06.98 йил.
2. Мактабгача тарбия муассаса услубчилари — 1.06 — 27.06.98 йил.
3. Туман ХТБ назоратчилари, услубчилари — 1.06 — 13.06.98 йил.

Тингловчиларга бепул ётоқхона хизмат қилади. Санаторий-профилакторийга курс тингловчилари 1 — 3 июнь кунлари курорт карталари билан қабул қилинадилар. Йўл харажати курс ҳисобидан тўланади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси. Саидов кўчаси, 6.

Телефонлар: 46-98-04, 46-90-94.

Троллейбуслар: 3, 4, 8, 20.

Автобуслар: 28, 34, 76, 87.

Sport maydonchasi

ЭВЕРЕСТ ЗАБТ ЭТИЛДИ

Ўтган жума куни машҳур Эверест чўққисига мустақил Ўзбекистоннинг давлат байроғи тикилди. 15 кишидан иборат экспедиция аъзоси, альпинист Рустам Ражабов 8848 метр баландликда жойлашган дунёнинг ушбу юксак нуқтасига мамлакатимиз рамзини олиб чиқди. Альпинистларимизнинг бу ғалабаси мустақиллигимизнинг 7 йиллигига ажойиб туҳфа бўлди.

«МУСТАҚИЛЛИК КУБОГИ» ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимиздаги «Юнусобод» теннис кортида эркин ва юнон-рум кураши бўйича «Мустақиллик кубоги» II халқаро турнири бўлиб ўтиб, унда 14 мамлакатнинг 184 нафар полвонлари ғолиблик учун курашдилар. Бу беллашувларда юртимиз полвонлари 5 та олтин, 6 та кумуш, 7 та бронза медаллари билан тақдирланиб, норасмий умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгалладилар.

«ЧЕЛЛЕНЖЕР» ЧОРЛАЙДИ...

Ушбу ҳафтанинг жума куни пойтахтимиздаги «Динамо» теннис мажмуида аёллар ўртасидаги «Челленжер» баҳслари учинчи бор ўтказилади. Шу кунгача 35 мамлакат теннисчилари Тошкентга ташриф буюриш истагини билдиришган. Ушбу мусобақаларда Ўзбекистон шарафини Ирода Тўлаганова, Лилия Биктякова ва Наташа Никитина каби спортчиларимиз ҳимоя қиладилар.

ДЗЮДОЧИ ҚИЗЛАР ҚОЗОҒИСТОНДА

Қозоғистонда дзюдо бўйича аёллар ўртасида халқаро турнир якунланди. Бу баҳслар Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Қозоғистон спортчиларини учраштирди. Ҳамюртларимиздан Марина Михеева (70 кг. вазн тоифасида) олтин, Шоира Тошпўлатова (48 кг.) ва Ольга Максимова (78 кг.)лар кумуш, Сузана Аҳмедова (63 кг.) бронза медаллари соҳиблари бўлишди.

ХАЛҚАРО МУРАББИЙЛАР СЕРТИФИКАТИ

Яқинда Ўзбекистон теннис федерациясида ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда Осиё теннис федерацияси ёшлар мураббийлари бўйича йўриқчи директори Суреш Менон қатнашди. Тест саволлари асосида ўтказилган имтиҳонларни 13 та мураббийимиз муваффақиятли топшириб, халқаро мураббий сертификатларига эга бўлишди.

ЧЕМПИОН — «ОЛИМПИЯ»

Қувноқ startlar

Марказий ҳарбий спорт клубига йиғилган спорт ишқибозлари XV республика «Қувноқ стартлар» финал мусобақаси қатнашчилари — Қорақалпоғистон Республикаси Беруний шаҳридаги 4-ўрта мактабнинг «Турон» ва Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги 3-ўрта мактабнинг «Олимпия» командаси ўртасидаги ҳаяжонли курашни томоша қилишди.

Чемпионлик учун кураш бирбирига муносиб спортчиларнинг беллашувига айланди. Саккиз қиз ва саккиз ўғил болалардан иборат биринчи дастур — «Ўрин алмашув эстафетаси»да «Турон» командаси аъзолари ўзларининг чаққон ҳаракатлари, ҳамжиҳатликларини намойиш этиб, 10 очкони қўлга киритишди.

Иккинчи дастур — «Тўпни олиб юриш ва гол уриш» мусобақасида «Олимпия» командаси қўли баланд келди. Команда аъзолари томонидан йўл қўйилган айрим хатоликлар учун уларга 7 очко берилди.

Навбатдаги «жуфтлик акробатлар» (10 ўғил ва 10 қиздан таркиб топган) дастури бўйича қорақалпоғистонлик ўқувчилар чинакам спорт маҳоратларини намойиш этишиб, ҳакамлар ҳайъатини мамнун этишди. Ҳисоб 20:7.

Тўртинчи дастур — «Эпчиллиқда беллашайлик» мусобақасида «Олимпия» командаси аъзолари маррага биринчи етиб келишди. Лекин ўйин қоидаларини бузишгани учун яна 4 очко олиб ташланди ва умумий ҳисоб 20:13 бўлди.

«Тусиқларни енгиб ўт» дастурида ҳам «Турон» командаси аъзолари чаққонлик ва абжирликларини кўрсатиб, 10 очко олишди. Ҳисоб 30:13. Сўнг 6 нафар қизлардан таркиб топган «Ҳажвий хоккей» мусобақасида «Олимпия» командаси ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиб, «Турон» дарвозасини ишғол қилишди ва 10 очко соҳиби бўлишди.

Етинчи дастур «Акробатчи болалар» мусобақасида сирдарёлик ўқувчилар маррага биринчи бўлиб келишган бўлишса ҳам, қўпол хатоларга йўл қўйишди. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари ҳар томонлама муҳокама ва мулоҳазаларадан сўнг, 8 та жарима очкоси белгилаб, командага 2 очко беришга қарор қилишди. Ҳисоб 30:25.

Навбатдаги 5 ўғил боладан таркиб топган «Мини футбол» мусобақасида «Олимпия» командаси аъзолари маҳорати юқори эканлиги яққол кўзга ташланди. Уларнинг кетма-кет ҳужумлари натижасида дастлабки дақиқадаёқ «Турон» дарвозасига битта тўп киритилиб, қимматли 10 очко қўлга киритилди. 30:35 ҳисобида «Олимпия» командаси олдинга чиқиб олди.

Биттадан ўқувчи ўртасидаги чаққонлик танлов баҳсида «Турон» вакили 5 очко соҳиби бўлди. Ҳисоб 35:35. Дастурнинг ўнинчи — танлов мусобақасида бир ўғил ва бир қиз беллашувидан кейин яна ҳисоб 40:40 бўлиб қолди.

Ким чемпион бўлиши керак? Команда вакиллари ва майдондаги ҳакамлар билан маслаҳатлашган ҳолда, 10 метрлик масофага тўрт марта югуриб қайтиш мусобақаси ўтказишга қарор қилинди. Ҳакамлар ҳайъати аъзоси, халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти доценти Ф. Ҳужаев мусобақа тартиб-қоидасини танлов мусобақаси қатнашчисига тушунтириб ва амалда кўрсатиб берди.

Энг ҳаяжонли дақиқа — майдондаги ҳакам ишораси билан икки команда вакили жойидан қўзғалди... Саноқли дақиқа, ҳаяжон, қийқириқ, кўз ёшлари... Маррага Сирдарё вакили биринчи бўлиб етиб келди.

Шундай қилиб, омад «Олимпия» командаси аъзоларига кулиб боқди. Улар 45:40 ҳисобида ғалаба қозониб, республика чемпионлари бўлишди.

Саралаш мусобақаларининг барча босқичларида ва финал учрашувида ҳалол ҳаракат қилган «Турон» командаси ва унинг мураббийси, жисмоний тарбия ўқитувчиси Жеткер Рисқуловнинг меҳнатлари таҳсинга лойиқдир.

Республика чемпиони, «Олимпия» командаси мураббийи Шукрулло Пардаев ўз шогирдлари билан тер тўкиб меҳнат қилганлиги гувоҳи бўлдик.

Ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросимида «Ёшлик» КСЖ Марказий кенгаши раиси М. Ҳайдаров, Халқ таълими вазирлиги жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи Р. Саломов, республика Давлат спорт қўмитаси бошқарма бошлиғи А. Маликовлар «Олимпия» ва «Турон» командаларига биринчи ва иккинчи даражали дипломлар, қимматбаҳо совға ва совринларни топширдилар.

Ҳар икки командага ҳомийлар совғалари — телевизор ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Шунингдек, XV республика «Қувноқ стартлар» телемусобақасида совринли учинчи ўринларни эгаллаган Хоразм вилояти Қўшкўпир туманидаги 17-мактабнинг «Ғунча» ва Самарқанд вилоятининг Ўргут туманидаги 65-мактабнинг «Орзу» командалари вакилларига Фахрий ёрлиқлар топширилди.

F. МАННОПОВ

Суратда: мусобақадан лавҳа.

Марат АРИНОВ олган сурат

«Universiada-98»

ТАЛАБАЛАР СПОРТ БАЙРАМИ

Самарқандда бир ҳафта давом этган талаба ёшларимизнинг «Универсиада-98» спорт фестивали Регистон майдонида бошланди. Қўлига гулдасталар кўтарган болалар, санъаткор доирачилар, раққосалар «Афсона Самарқандга хуш келибсиз!» деб фестиваль қатнашчиларини кутиб олдилар.

Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалар кенгаши, ОЎМТ ва Халқ таълими вазирликлари, республика «Камолот» жамғармаси билан ҳамкорликда 3 йилдан буён ўтказилаётган ушбу тадбирда Олий Мажлис депутати, Самарқанд шаҳри ҳокими Азиз Носиров «Универсиада-98» қатнашчиларини табриклар экан, шаҳарнинг барча олий ўқув юртлари, Самарқанд савдо коллежи, СамДУ, «Динамо», «Локомотив» спорт ўйингоҳлари мусобақалар ўтказишга тайёрлаб қўйилганини айтди.

Байрам қатнашчиларини республика касаба уюшмалар кенгаши раиси, «Универсиада-98» ўйинларини ўтказиш қўмитаси раиси Озода Муҳиддинова, республика «Камолот» жамғармаси раиси Х. Абдураимов, вилоят ҳокими ўринбосари Х. Нуруллаевлар саимий табриклади. Спортнинг фристайл тури бўйича жаҳон чемпиони Лина Черязева ҳам талаба спортчиларга эзгу ниятлар билдирди. Сўнг қизиқарли беллашувлар бошланиб кетиб, куни кеча якунланди.

Майдондаги рақиблар ғоятда дўст бўлишди. Темирйўлчиларнинг «Локомотив» стадионида спортнинг енгил атлетика ва мини-футбол турлари бўйича ўз вилоятларида ғолиб деб топилган республиканинг 14 вилоят ва шаҳарларидан келган талаба спортчилар беллашдилар. Енгил атлетика бўйича Андижон давлат университети терма жамоаси рақибларни йўлда қолдириб, ғолибликни қўлга киритдилар. НамДУ жамоаси иккинчи, Фарғона Давлат университети учинчи ўринларни эгалладилар.

СамДУ жисмоний тарбия куллиёти спорт залида бўлиб ўтган стол тенниси мусобақасида фахрли ўринлар учун ТошДЖТИ, Самарқанд, Ургенч, Фарғона давлат университетларининг жамоалари куч синашди. Бу беллашувда ТошДЖТИ талабаларига омад кулиб боқди. Иккинчи ўрин СамДУ, учинчи ўрин ФарДУ жамоаларига насиб этди.

«Универсиада-98»нинг яна бир қизиқарли тури — теннис мусобақалари вилоят теннис кортида ўтказилди. Талаба йигитлар ўртасида финалга Н. Шахидзе (СамДУ) ва Р. Галиев (ТошДЖТИ)лар чиқишди. Ушбу финалда Н. Шахидзенинг қўли баланд келди. Иккинчи ўрин ТошДЖТИ вакилига, учинчи ўрин Қарши Давлат университети вакили Ф. Маматовга буюрди. Қизлар ўртасида ўтган финалда Ш. Болтабоева (Андижон Давлат университети) ҳамда Д. Холдорова (Фарғона Давлат университети)лар учрашишди. Биринчи ўрин фарғоналик, иккинчи ўрин андижонлик қизларимизга ва учинчи ўрин Самарқанд Давлат чет тиллар институти талабаси Д. Кучаренкога насиб этди.

Умумий жамоа ҳисобида самарқандликлар биринчи, наманганликлар иккинчи, фарғоналиклар учинчи ўринларнинг соҳиби бўлдилар.

Мини-футбол бўйича биринчи ўрин НамДУ, иккинчи ўрин СамДУ ва учинчи ўрин Андижон Давлат университети талабаларига насиб этди.

Ғолиб жамоалар спортчиларига республика касаба уюшмалар кенгаши, республика «Камолот» жамғармаси, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ҳамда ҳокимликларнинг фахрий ёрлиқлари ва совринлари топширилди.

Эшмирза МАҲМУДОВ

Xullas...

ОЗИШ БАХТИГА МУЯССАР БЎЛИШДИ

Семизлар озгиси келади. Ортиқча юк кимга ҳам керак?

Шу десангиз, озишдан мутлақо умидини узган кишиларга омад кулиб боқибди. Таллин шаҳрида бўлиб ўтган танлов ҳайъати аъзолари озиш ҳаракатида юрган семиз кишиларга қойил қолишди. Бунақаси ҳали бўлмаган-ов! Биттаси саккиз ойда 53 кг озибди. Иккинчи бир «ғолиб» аёл киши бўлиб, 16 ойда 50 кг вазнини йўқотишга муваффақ бўлган. Энди у бемалол аэробика билан шуғулланмоқда.

Маҳаллий матбуот хабарларига қараганда, семизликдан қутулиш ҳаракатида қатнашаётганлар кейинги уч йил мобайнида 135 тонналик ортиқча вазндан халос бўлишган. Ўзларининг айтишларича, улардан бахтли одам йўқ эмиш...

МЕНЕЖЕРНИНГ БЕВАҚТ ЎЛИМИ

Фалокат қош билан қовоқнинг орасида ёки оёқ остида эканлиги сир эмас. Бўлмаса Японияннинг «Сенко ЛТД» компанияси менежери Москвага хизмат сафари уюштириб, ёруғ дунё билан хайрлашармиди?

Менежернинг ажал билан тўқнашуви саккизинчи қаватдан пастга йиқилиб тушиши билан боғлиқ экан. Орган ходимлари унинг беҳуш танасини ерда қуришгач, балки у ўз жонига қасд қилгандир, деб тахмин қилишди.

Москванинг «Союзтранзит» компанияси ходимлари эса, балки у эҳтиётсизлик қурбони бўлгандир, деб ўйлашди. Униси ҳам, буниси ҳам асосли. Ҳар қалай бевақт ўлим менежернинг пешонасига ёзилган экан-да, ахир қадимдан қолган гап бор: пешонангга ёзилганидан қочиб қутулолмайсан...

ТАЙЁР ТРАМВАЙ ТУРГАНДА...

Трамвай ҳайдаш эшак миниш дегани эмас. Ҳартугул эшакка «отиб» олиб миниб кетиш, ичувчининг нари борса қулаб тушиши билан тугаши мумкин. Лекин трамвайга ичиб олиб ўтириш хавфли...

Гап шундаки, Қозондаги трамвай деполаридан бирининг икки ходими, аниқроғи, ҳайдовчи ва электрик хурмачаларига сиққунча ичиб, уйларига кетмоқчи бўлишди. Трамвай ҳайдасагу такси ёллаймизми, деб ишшайишди улар бир-бирига. Тун ярмидан оққан, Тукаевск кўчаларида транспорт қатнови деярли тинган.

Тартиб сақловчилар салонга лип этиб чиқиб олдилар ва... хуррак отаётган, эҳтимол, туш кўраётган ҳайдовчини кўришди. Рулда савлат тўкиб ўтирган электрикнинг кўзлари ҳам гоҳ очилса, гоҳ юмиларди.

Яхшиямки, жамоат тартибини сақловчилар фавқулодда ҳодисани ўз вақтида сезиб қолишди. Акс ҳолда...

ana shunaqa gaplar

ҚУТЛОВ

Ҳурматли ҳамкасбимиз Кульзайра КАРАШЕВА!

Сизни туғилган кунингиз билан чин дилдан қутлаймиз. Таълим-тарбиядек эзгу ишингизда Сизга ҳамиша муваффақият ёр бўлсин. Соғ-омон бўлинг!

Тошкент Давлат педагогика университети, математик таҳлил кафедраси жамоаси

СОҒЛОМ ОИЛА – ЖАМИЯТ КЎРКИ

Maktab va oila

Тошкент шаҳридаги 127-мактабда «Оила йили»га бағишланган «Соғлом оила — жамият кўрки» номли кеча бўлиб ўтди. Ушбу тадбир мактаб ва оила деб аталмиш камолот ғўшаларининг ибратли учрашувига айланди. Шаҳар миқёсида ўтган кечада маҳалла фаоллари, намунали оилалар, туманлар ХТБ ходимлари иштирок этдилар.

Яккасарой тумани халқ таълими бўлими мудирининг тарбиявий ишлар бўйича муовини Муқаддас Аъзамованинг айтишича, оила ва мактабни яқинлаштирадиган бу каби тадбирлар тумандаги ҳар бир мактабда ўтказилиши анъанага айланган. Уларда турли миллатга мансуб ўқувчилар ижросидаги чиқишлар йиғилганларда катта таассурот қолдирмоқда.

Бу галги кечадаги «Намунали оилалар беллашуви» қисмида намойиш этилган кўринишлар барча учун ибрат намунаси бўлди, десак хато бўлмайди. Зотан, бугунги таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг бир жиҳати — мактаб ва оила муштараклигига эришишдир. Муҳими, оилалар, мактаб жамоалари, ўғил-қизлар олдидаги бурч ва масъулиятларини чуқур англаётгани қувонарлидир.

Ф. КАРИМОВ

ЭЪЛОН

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети сиртқи бўлими талабалари ва Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятлар халқ таълими бошқармалари раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

Университетнинг барча факультетлари сиртқи бўлими 1, 2, 3, 4, 5-курс талабаларининг ёзги сессия машғулотлари 1998 йилнинг 1 июнидан бошланиб, 30 июнигача давом этади.

Битирувчи курс талабалари учун давлат имтиҳонлари 1 июлдан 31 июлга қадар бўлиб ўтишини эслатамиз.

УНИВЕРСИТЕТ РЕКТОРАТИ

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ РАҲБАРЛАРИ!

Давлатимизнинг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» қабул қилиниши барча халқ таълими ходимларига катта масъулиятлар юклади. Юқоридагиларни ҳаётга жорий қилиш мақсадида А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти 1998 йилнинг июнь ойи учун қуйидаги курсларни режалаштирди. Бу курсларда Ўзбекистон Республикаси давлат идоралари ва республика Халқ таълими вазирлигининг масъул ходимлари, чет эллик мутахассислар ҳамда таниқли олимлар, тажрибали педагоглар маъруза ўқийдилар. Курс давомидаги амалий машғулотлар пойтахтдаги янги тур мактаблар, РТМ, халқ таълими музейи ва бошқа илғор таълим муассасаларида бевосита мулоқот шаклида ўтказилади.

1. Ўрта мактаб ўқув-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосарлари курси (Фарғонада), ўзбек гуруҳи, 8-27 июнь
2. Ўрта мактабларнинг маънавият бўйича директор ўринбосарлари учун курс, ўзбек гуруҳи, 15-27 июнь
3. Туризм бўйича инструкторлар курси (Жиззахда), ўзбек гуруҳи, 1-13 июнь
4. Ёш техниклар ижод маркази услубчилари курси, ўзбек гуруҳи, 15-27 июнь
5. Одобнома фани ўқитувчилари учун курс, ўзбек гуруҳи, 15-27 июнь
6. «Иқтисодий билим асослари» ўқитувчилари курси, ўзбек гуруҳи, 15-27 июнь
7. Ёрдамчи мактаб бошланғич синф ўқитувчилари учун лотин ёзуви бўйича курс, ўзбек гуруҳи, 1-27 июнь
8. Янги тур мактабларнинг жисмоний тарбия метод бирлашма раҳбарлари курс,и ўзбек гуруҳи, 1-13 июнь
9. Жисмоний тарбия дарсларини миллийлаштириш ўзбек гуруҳи 15-27 июнь
10. Чет раҳбарлари, ўзбек гуруҳи, 1-27 июнь
11. Янги тур мактабларнинг математика ўқитувчилари, ўзбек гуруҳи, 1-13 июнь
12. Информацион технологияларни қўллаб дарс ўтиш: бошланғич синф ўқитувчилари учун, ўзбек гуруҳи, 1-13 июнь
13. Физика дарсларида ўқувчилар билимларини баҳолашда тест-рейтинг усулидан фойдаланиш (Самарқандда), ўзбек гуруҳи, 15-27 июнь
14. Кимё фани метод бирлашма раҳбарлари курси, ўзбек гуруҳи, 15-27 июнь
15. «Табиёт» интегратив фанини ўқитиш бўйича муаллифлик курси (П. Гулеков), ўзбек гуруҳи, 1-13 июнь
16. Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари метод бирлашма раҳбарлари курси, ўзбек гуруҳи, 1-13 июнь
17. Янги дастур ва дарсликлар асосида (5-11-синф) ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари, ўзбек гуруҳи, 15-27 июнь
18. Қирғиз ва рус тилида ўқитиладиган мактабларнинг бошланғич синф ўзбек тили ўқувчиларини лотин ёзувига ўргатиш курси (Андижонда), ўзбек гуруҳи, 1-6 июнь
19. Расм-чизмачилик ўқитувчилари учун махсус курс, ўзбек гуруҳи, 1-13 июнь

Тингловчилар учун Марказий институт тасарруфидаги кутубхона, қироатхона, бепул ётоқхона ва 100 ўринли санаторий-профилакторий хизматда бўлади. Санаторий-профилакторийда 24 кунлик курс тингловчилари 1-2 июнь кунлари курорт карталари билан қабул қилинадилар. Курс харажатлари Марказий институт ҳисобидан тўланади. Тошкентга келиш ҳақи фақат темир йўл ва автобус билетлари учун тўланади.

Курс давомида тингловчилар учун таниқли педагог олимлар, санъаткорлар, матбуот ходимлари билан учрашувлар ва Амир Темур музейи ва бошқа маданий масканларга экскурсиялар уюштирилади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент -95. Талабалар шаҳарчаси. Саидов кўчаси 6-уй.

ТРАНСПОРТ: Жанубий темир йўл вокзалидан 8-троллейбуснинг Талабалар шаҳарчаси (охирги) бекатигача.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек Жамғармасининг Улуғбек мукофотини бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек Жамғармасининг Улуғбек мукофоти Республикамиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали фаолияти билан алоҳида ажралиб турадиган, элнинг назарига тушган, 35 ёшдан ошмаган эътиқодли, фидойи-ватанпарвар, кашфиётчи, олим, санъаткор, мутахассис, спортчи, тадбиркор, ихтирочиларга берилади.

1998 йил учун бериладиган Улуғбек мукофоти қуйидаги йўналишлар бўйича:

— **Йилнинг энг истеъдодли соғлом ва баркамол авлод мураббийси (тарбиячиси) йўналиши бўйича** — халқ таълими, тиббиёт муассасалари, халқ табобати соҳасида (шунингдек ибратли оилалар ҳам) ишлаб келаётган истеъдодли ёшлар учун;

— **Йилнинг энг истеъдодли ватан фидойиси йўналиши бўйича**—мудофаа ва ички ишлар вазирлиги, божхона қўмитаси тизимларида мамлакат мудофааси, эл-юрт осойишталиги йўлида кўрсатилган жасорат, ватанпарварлик намуналарини намоён этган фидойи ёшлар учун;

— **Йилнинг энг истеъдодли спортчиси йўналиши бўйича** — мамлакатимизнинг шон-шуҳратини халқаро миқёсга олиб чиққан машҳур спортчилар учун;

— **Йилнинг энг истеъдодли шоири (ёзувчиси) йўналиши бўйича** — адабиёт ва санъат соҳасида замонамиз ёшларининг ёрқин образларини яратган истеъдод соҳиблари учун;

— **Йилнинг энг истеъдодли санъаткори йўналиши бўйича** — санъат, мусиқа, қўшиқ, кинематография, театр, меъморчилик, хайкалтарошлик, тасвирий ва амалий санъат, халқ ҳунармандчилиги соҳасида истиқлол имкониятларини бадиий жиҳатдан чуқур талқин этган ёш санъаткорлар учун;

— **Йилнинг энг истеъдодли кашфиётчиси (олим, рационализатор, ихтирочи) йўналиши бўйича** — фан-техника соҳасида янгилик, ихтиролар қилган кашфиётчи олимлар, рационализатор, илмий-тадқиқот муаллифлари учун;

— **«Элим, юртим деб ёниб яшайман» йўналишида:**

— қишлоқ хўжалик соҳасида янги замонавий технологияларни жорий этган истеъдодли ёшлар учун;

— маҳаллий давлат ҳокимияти, бошқарув органларида бошқарув, хўжалик юритиш соҳаларида янгилик яратган, юксак натижаларга эришган ёшлар учун;

— халқ хўжалигининг барча соҳаларида тадбиркорлик, ишбилармонликлари, ташкилотчилик салоҳиятлари билан эл назарига тушган истеъдодли хотин-қизлар учун;

— иқтисод ва тадбиркорлик соҳасида ажойиб натижаларга эришган истеъдодли иқтисодчи, ишбилармонлар, ихтирочилар учун;

— **Йилнинг энг истеъдодли публицистик йўналиши бўйича** — мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни, ёшлар руҳиятидаги ўзгаришларни ҳозиржавоблик билан ёритган муаллифлар учун берилади.

Улуғбек мукофотининг ҳар бири 30 минимал иш ҳақи миқдорига тенг бўлиб, уни олишга муяссар бўлган истеъдодли ёшларга Мирзо Улуғбек таваллуд топган кун, яъни 22 март куни топширилади.

Улуғбек мукофоти билан тақдирланишга лойиқ деб топилган ишлар, номзодлар 1998 йил 31 декабригача Улуғбек Жамғармаси Раёсатига топширилиши керак.

Улуғбек мукофоти билан тақдирланиш мумкин деб топилган ишлар муаллифи, номзодлар улар ишлайдиган корхона, ташкилот, меҳнат жамоаси, муассаса ва бошқалар томонидан тақдим қилиниши мумкин.

Улуғбек мукофотига сўнгги икки йил мобайнида яратилган ишлар, асарлар, номзодлар фаолиятининг маҳсули юборилиши сўралади.

Улуғбек мукофотини олиш учун қуйидаги хужжатлар:

1. Номзодларнинг шахсий варақаси (тегишли тарзда тўлдирилган, иш жойида тасдиқланган ҳолда) 2 дона 4х6 фотосурати билан.
2. Мукофотга тақдим қилинган номзод иш, лойиҳа ёки амалиётда эришилган натижалар ҳақида маълумот (мутахассислар, тегишли ташкилотларнинг хулосаси илова қилинган ҳолда).
3. Номзод ёки ишга тегишли фото, аудио материаллар, матбуотда эълон қилинган ишлар.
4. Номзод фаолиятининг (ишнинг долзарблиги, янгилиги), ижодий самараси кўрсатилган бўлиши керак.
5. Тақдимнома мукофот берилишига тавсия этган ташкилотнинг расмий бланкасида ёзилиб, ташкилот раҳбарининг имзоси қўйилган ва муҳрланган бўлиши шарт.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, 700027. Фурқат кўчаси 1-уй, 5-қават. Улуғбек Жамғармаси бошқарувига. Маълумот учун телефонлар: 45-26-45, 45-23-48, 45-24-57.

А. Авлоний номидаги Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти ректорати, касаба уюшма қўмитаси ва жамоаси институт ходими Марғуба Одиловага отаси

Олимжон ОДИЛОВ вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади

Самарқанд вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси Жиззах вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси раисининг ўринбосари Ўсар Очиловга онаси каттақўрғонлик кекса маорифчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи

Муҳаррам ая ЭРНАЗАРОВА вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Нурлан УСМОНОВ, Абдураҳмон ЖЎРАЕВ

ИНДЕКС: 149, 150. Г-021. Тиражи 44.082. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.30. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6